

Малайзияда 249 та Қуръон ҳофизи талабаларига дипломлар топширилди



15:03 / 21.11.2018 1863

Малайзия Таълим вазирлигининг маълум қилишича, Қуръони каримни ёдлашга ихтисослашган учта диний лицейнинг 249 та талабасига вазирликнинг дипломлари топширилди. IQNA ахборот агентлигининг Malayi Mail шўъбаси берган [xabarda](#), Таълим вазири Масзлии Малик бу билан Ҳукуматнинг исломий таълимга бўлган эътиборини янада кучайтиришни мақсад этганини маълум қилган.

“Қуръони каримни ёдлаш дастури 2014 йилдан бошлаб, учта лицейда 30 жузъ Қуръони каримни тўлиқ ёдга олиш асосида йўлга қўйилган эди. Бу ердан чиқадиган қорилар келажакда тўғри ва қатъий диний қарашларга эга бўлган инсонлар бўлиб етишадилар. 2018 йилгача Дастур бўйича яна 17 та диний мактаб, 11 та ўрта мактаб ва 4 та интернат мактабларида ҳам ўқувлар ташкил этилди”, дейди Таълим вазири.

Қуръони карим таълимининг аҳамияти ҳақида гапирган вазир, бу ишлар одамларнинг диний билим савиясини оширишга катта хизмат қилиши, ҳофизликнинг беқиёс аҳамиятига тўхталиб, Қуръонни ёдлаш дастури маҳаллий оилалар томонидан мамнуният билан қарши олинганини алоҳида эътироф этди.

